

МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Х.С. Сулайманов

Ўзбекистон миллий университети Тарих факультетининг
“Амалий этнология” лабораторияси катта илмий ходими

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг миллатлараро барқарорликни таъминлаши натижасида Тошкент вилоятининг Бўка туманида кўп миллатларнинг шаклланганлиги баён қилинади.

Калит сўзлар: миллатлараро тотувлик, диаспора, урф-одат, ўрта асрлар, ижтимоий ҳаёт, барқарорлик.

Ўзбекистон ҳудуди тарихнинг энг қадимги даврдан бошлаб, турли миллат ва халқларнинг яшашганлиги ҳақида қадимги моддий ва номоддий маданиятимиз гувоҳлик беради.

Хусусан, Ўзбекистоннинг Тошкент вилояти ҳам кўп миллатли минтақалардан бўлиб, миллатлараро барқарорликда ўз ўрни бор.

Тошкент вилоятининг жанубий ғарбий қисмида жойлашган Бўка туманида ҳам қадимдан турфа миллатлар аҳилликда яшаганлиги бу ҳудуднинг ривожланишига асос бўлган.

Қадим ва ўрта асрларда Бўка туманига турфа миллатларининг кириб келиши.

Тарихга назар ташласак дастлаб милоддан аввалги III асрда юнонлар бу ҳудудда яшаганлиги ҳақида археологик ёдгорликлардан топилган моддий манбалар орқали билишимиз мумкин. Илк ўрта асрларда туркий халқларнинг кўчиб келиши, VII-VIII асрларда араблар истилоси динга, урф одат ва анъаналар ижтимоий ҳаётга таъсир қилади. Ўрта аср манбаларида Буёк ипак йўлини қадимги Самсарак (Бўка) орқали ўтганлиги қайд этилган. Хитойдан чиққан савдо карвонлари ғарб давлатларига айнан шу йўл орқали боришган. IX-XII асрларга оид археологик ёдгорликларнинг моддий манбалари тумани тараққиётдан гувоҳлик беради. XII асрда мўғуллар босқини кўплаб шаҳарларни вайрон бўлишига олиб келади. XIV асрларгача ижтимоий-сиёсий ҳаётда мўғулларни таъсири кучли бўлган. Амир Темур даврида марказлашган давлатнинг барпо бўлиши кўплаб шаҳарларни обод бўлишига олиб келади. Сирдарё ёқасида Шохруҳияни барпо қилиниши, унинг атрофидаги шаҳар қўрғонларини қайта тикланганлиги яна савдо сотиқ, ҳунармандчилик, ижтимоий ҳаётнинг

жонланиши туманга ўрта асрларда ҳам бошқа миллат вакиллари кириб келганлигидан гувоҳлик беради.

XIX-XX асрларда Бўка туманида турфа миллатлар диаспорасининг шаклланиши.

XIX асрга келиб Чор Россиясининг Ўрта Осиёга ҳарбий юришлари ва Тошкентни босиб олиниши натижасида туманда рус, татар ҳамда бошқа миллат вакиллари кўчиб келишига айримларни яшаб қолишига сабаб бўлади. Айниқса иккинчи жаҳон уруши даврида Бўка туманига кўплаб рус оилалари кўчиб келишган, уруш туганидан сўнг, хўжаликларни турли соҳаларида рус миллатига мансуб аҳоли вакиллари меҳнат қилишган. Мустақилликни дастлабки пайтларида русларни ватанига кўчиб кетиши кучайди, ҳозирги кунда туманда 1679 нафар руслар истиқомат қилади.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасида энг йирик хорижий диаспораларидан бири – 200 мингдан ортиқ татар миллати истиқомат қилади.¹ Татаристон ва Ўзбекистон билан кўп асрлик тарихий, сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва бошқа алоқалар билан боғланган. Бўка туманида татар миллатига мансуб аҳоли вакиллари 317 нафар бўлиб, тўй ҳашам, урф одатлари, хўжалик юритиши деярли бир хил, маҳаллий аҳоли билан никоҳ муносабатлари мустаҳкамланган.

1937-1938 йилларда собиқ совет тузуми зўравонлик билан Россиянинг Узоқ Шарқ ўлкасидан 74 500 нафар этник корейслар Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг чўл ва ўзлаштирилмаган худудларига кўчирилди. Бунга асосий сабаб СССР билан Япония ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви бўлган. Ўша даврда Корея ярим ороли Япония томонидан босиб олинган бўлиб, туб корейс аҳолиси билан Узоқ Шарқ худудидаги корейсларнинг этник келиб чиқиши бир эди. Кўчирилган корейсларнинг катта қисми Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Фарғона водийси ва Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ жойларига жойлаштирилган. Шаҳарларда жуда кам қисми яшаган (ҳозирда Ўзбекистон корейсларининг катта қисми шаҳарларда яшайди). Бўка туманидаги корейслар ҳам уруш вақтида келиб жойлашган ва хўжаликни турли соҳаларида меҳнат қилишиб, маҳаллий аҳоли билан ўзаро тажрибаларини алмашишган. Шоли, пиёз экинларидан юқори ҳосил етиштиришган.

Иккинчи жаҳон уруши оқибатида 1944 йилда Озарбайжон фуқаролари Грузиядан Ўзбекистонга депортация қилинади. 1957 йил октябрь ойида озарбайжонларга ҳаракатланиш бўйича қўйилган барча чекловлар олиб ташланади ва этник ватанларига қайтиш ҳуқуқи тикланади. Аммо

¹ Википедия маълумоти

Ўзбекистоннинг қулай иқлим шароити, икки халқнинг тил ва турмуш тарзининг ўхшашлиги озарбайжонларнинг катта қисмининг шу ерда қолиб кетишига сабаб бўлади.¹ XX асрнинг II ярмида озарбайжонларнинг аксарияти Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги колхоз ва совхозларда яшаб қолган². Ҳозирги кунда туманда озарбайжон миллати 175 нафарни ташкил қилади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида юз минглаб украиналиклар ва украинанинг қатор корхоналари, илмий-тадқиқот ва олий ўқув муассасалари, бадийий жамоалар Ўзбекистонга эвакуация қилинди. 1966 йилда Тошкентда рўй берган кучли zilзиладан сўнг бир неча йил давомида Тошкентни қайта қуришда 2600 га яқин украиналик муҳандис ва қурувчилар қатнашди.³ Украин миллатига мансуб аҳоли вакиллари Бўка тумани маркази, Бўстон, Кўкорол маҳалларида кўпроқ яшаганлар мустақиллик йилларини бошларида бу миллат вакиллари ватанига қўчиб кетиши бошланган. Айни вақтда туманда 86 нафар украинлар истиқомат қилади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда грузия ёшларининг Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ўқиб, шу ерда ишлаб қолиш ҳолатлари кўп учрайди. Айримлари қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаш учун Бўка туманига келиб шу ерда оила қуриб яшаб қолишган.

Ўтган асрнинг 50-йилларида беларусларнинг Ўзбекистонга қўчиб келиши кузатилган. Туманда беларуслар асосан қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда ўз хиссаларини қўшиб келган. 1990 йилдан кейин беларуслар ватанига қўчиб кетиши бошланган. Ҳозирги кунда 88 нафар беларуслар ўзаро дўстлик ва аҳилликда яшаб келмоқда.

Месхети туркларнинг катта бир қисми Ўзбекистон (Тошкент, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ва Фарғона водийси)га олиб келиб жойлаштирилган пайтда бу миллатга имкони борича ёрдам кўрсатилган. Бўка туманидаги Кўкорол, Хўжақўрғон, Янгиқўрғон, Бўка ва бошқа маҳаллаларида месхети турклар жойлашган. Уруш, қийинчилик давр бўлишига қарамай, бир бурда нонини баҳам кўрган. Месхетия грузинлар томонидан эгаллаб олингани учун туркларнинг асосий қисми Ўзбекистонда яшаб қолди. Келиб чиқиши ва эътиқоди ўзбеклар билан бир бўлган бу миллат ва маҳаллий аҳоли орасида 1989 йилгача умуман можаро келиб чиқмаган. 1989 йилда Фарғонада, 1990 йил Бўкада рўй берган ўзбеклар ва месхети турклар ўртасидаги можаро ҳам Кремль томонидан пухта ўйланган режа асосида уюштирилган эди. 1990 йил Бўкадан месхети турклар олиб чиқиб кетилди.

¹ Википедия маълумоти

² Википедия маълумоти

³ Википедия маълумоти

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврларда ҳам туманга бошқа миллат вакиллари иш ёки никоҳ муносабатлари орқали кириб келдилар.

Бугунги кунда туман статистика бўлими томонидан қайд этилган маълумотга кўра 2023 йил 1 январ ҳолатига жами аҳоли сони 132618 нафар рўйхатга олинган. Миллатлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, ўзбек-103679 нафар, қозоқ-13637 нафар, тожик-7300 нафар, рус-1679 нафар, қирғиз-1192 нафар, корейс-275, татар-317 нафар, туркман-142 нафар, беларус-88 нафар, украин-86 нафар, озарбойжон-175 нафар, грузин -14 нафар, қорақалпоқ-17 нафар, лўли-21 нафар, яҳудий -4 нафар, немис-1 нафар, молдаван-3 нафар, латиш-2 нафар ва бошқа миллатлар 2186 нафарни ташкил этган¹. Қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ, миллатлари ирредентлар² ҳисобланиб азалдан маҳаллий аҳоли билан бирга яшаб келган, ҳудудлар бўйича жойлашувига кўра Навобод маҳалласида тожик миллати, Чавлисой, Самарқанд маҳалласида қирғиз миллати, Чўлобод, Рамодон маҳалларида кўпроқ қозоқ миллатига мансуб аҳоли вакиллари яшасалар бошқа миллат вакиллари туманнинг барча маҳаллаларида маҳаллий аҳоли аҳилликда бирга ҳаёт кечиришади. Биз буни турфа миллат вакиллари давлат идоралари ва вакиллик органларида депутат, раҳбар лавозимларида меҳнат қилаётганлигидан билишимиз мумкин, шунингдек таълим 5 тилда – ўзбек, рус, тожик, қозоқ, қирғиз тилларида олиб борилмоқда. Эътиборли жиҳати, қардош тилли мактабларда ўқиётган фарзандларимиз давлат ҳисобидан дарслик ва бадиий адабиётлар билан тўлиқ таъминланмоқда.

Хулоса ўрнида азалдан кўп миллатли бўлган Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик таъминланиб келинган, маҳаллий аҳолининг бағрикенглиги ва ўзбек давлатчилигида миллий масалаларга алоҳида эътибор берганилиги Бўка тумани мисолида ўрганар эканмиз, миллатларни аҳилликда яшаши жамиятни янада мустаҳкамлаб, тараққиёт сари бошлашига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Муртазаева Р.Х. Миграционные процессы в Узбекистане в конце XX – начале XXI веков: исторические события и новые тенденции. - Германия: Lambert, 2015.
2. Р. Хомитов Ўзбекистонда миллатлараро барқарорликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсати (1991-2020 йй.) ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ 3 (11).2020.
3. R.Kh.Khomitov Strengthening cooperation between Uzbekistan and Latvia, Lithuania and Estonia (1991-2015) Theoretical & Applied Science, 201-204
4. А.Аширов, Ш.Атаджанов .Этнология. –Т.: “Иқтисод-Молия”.-2008.
5. “Халқ овози” газетаси. Қадим тарихга туташган туманим. 2023 й 28 июль.

¹ Бўка тумани статистика бўлими маълумоти

² А.Аширов, Ш.Атаджанов .Этнология. –Т.: “Иқтисод-Молия”.-2008.-27 б.